

БИЗ - 100 ЁШДАМИЗ!

Шуҳрат Меҳрибонович БОБОМУРОДОВ,
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори, журнал бош муҳаррири

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти 100 ёшга тўлди. Мазкур санага «Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий журнали ташкил этилишининг тўғри келиши яна бир қувончли ҳолдир. Қўлингизда шу журналнинг илк сонини ушлаб турибсиз.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти республикамизда дастлабки ташкил этилган илмий-тадқиқот институтларидан биридир. 1920 йилда Туркистон Давлат университети қошида Тупроқшунослик ва геоботаника институти ташкил этилади ва бизнинг шонли тарихимиз шу санадан бошланади. Институт ўзининг 100 йиллик фаолияти давомида нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиё республикаларининг ҳам тупроқ қопламини ўрганиш, генетик-географик хусусиятларини очиб бериш, суғоришга яроқли ерларни аниқлаш, тупроқ-иқлим, тупроқ-географик районлаштириш, экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, турли деҳқончилик тизимларида тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва оширишнинг илмий ва амалий асосларини яратиш бўйича тадқиқот ишларини бажариш билан бир қаторда соҳа учун юқори малакали кадрларни ҳам тайёрлаб келмоқда.

«Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий журнали институтнинг шу серқирра фаолиятини, илмий янгиликлар ва ишланмаларини, Ҳукуматимизнинг аграр соҳада олиб бораётган сиёсатини кенг ва чуқур ёритишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Барчамизга маълумки, тупроқшунослик республикамиз аграр тизимининг энг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Журнал ана шу соҳалардаги илм-фан ютуқларини, илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини, иқтисодий ислоҳотлар самараларини, шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари, изланиш ва янгиликларни ёритиб боради.

Жамият ҳаёти ҳамиша тупроқ билан чамбарчас боғланиб келган. У – ризқ-рўз ва тириклик манбаидир. Тупроқларнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, улар натижасида юзага келаётган саҳроланиш, деградация, шўрланиш, атроф-муҳитни ифлосланиши каби салбий жараёнлар биринчи навбатда қишлоқ хўжалигимизга, шу билан бирга, тупроқларимизга кучли таъсир кўрсатмоқда.

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташаббуслари ва таклифларини рўёбга чиқариш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ҳаётга дадил тадбиқ этилмоқда. Бундан мақсад, энг аввало, тупроқ унумдорлигига эришиш, ҳосил салмоғини кескин ошириш, деҳқончилик маданиятини замонавий даражага кўтариш, даромад ва манфаатдорликни юксалтиришдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги, хусусан, тупроқшунослар олдига бир қатор ечилиши лозим бўлган масалаларни қўймоқда. Ушбу масалалар ечимини топишда, тупроқшунослик, агрокимё фанларида кечаётган жараёнларни оммага маълум қилишда «Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий журнали ўз сўзини айтади, деб ўйлаймиз. Журналда, шунингдек, турдош соҳа олимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, магистрлар ва бакалавр талабаларининг илмий-тадқиқот фаолияти, улар томонидан билдирилган таклифлар, ташаббуслар, илмий ишланмалар, янгиликлар, илмий ютуқлар кенг ёритиб борилади.

Ишончим комилки, журналда чоп этилган мақолаларда келтирилган маълумотлар аграр соҳа ривожи, журналхонларнинг кундалик илмий-амалий фаолияти, келажакдаги илмий изланишлари учун ниҳоятда фойдали бўлади.

Шунингдек, журнал ижодкорлари соҳадаги илмий тадқиқотлар натижалари, ресурстежамкор ва инновацион ишланмалар ҳамда янгиликларни ҳар тарафлама тадқиқ ҳамда таҳлил қилиб, журналхонлар эътиборига ҳавола этади.

«Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий журнали олдида аграр соҳа, хусусан, тупроқшуносликда бўлгани сингари масъулиятли вазифа турибди. Биз бу вазифани шараф билан уддалаймиз деган ниятдамиз.